

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

МАХКАМОВ МАХКАМЖОН КОЗИМОВИЧ

**МИЯ ИЧИ НОТРАВМАТИК ҚОН ҚУЙИЛИШЛАРИ ВА
АРТЕРИОВЕНОЗ МАЛЬФОРМАЦИЯЛАРИНИ
3D-МОДЕЛЛАШНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ГЕНОМИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstracts of doctor of science (DSc)

Махкамов Махкамжон Козимович

Мия ичи нотравматик қон қуйилишлари ва артериовеноз
мальформацияларини 3D-моделлашни қўллаган ҳолда
жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш
ва геномини ўрганиш3

Махкамов Махкамжон Козимович

Оптимизация тактики хирургического лечения с применением 3D-
моделирования и изучение генома нетравматических внутримозговых
кровоизлияний и артериовенозных мальформаций31

Makhkamov Makhkamjon Kozimovich

Optimization of surgical treatment tactics using 3D-modeling and study of the
genome of non-traumatic intracerebral hemorrhages and arteriovenous
malformations57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

МАХКАМОВ МАХКАМЖОН КОЗИМОВИЧ

**МИЯ ИЧИ НОТРАВМАТИК ҚОН ҚУЙИЛИШЛАРИ ВА
АРТЕРИОВЕНОЗ МАЛЬФОРМАЦИЯЛАРИНИ
3D-МОДЕЛЛАШНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЖАРРОҲЛИК
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ГЕНОМИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Tib611 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилларида Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzniito.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хаджибаев Абдуҳаким Муминович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кариев Гайрат Маратович тиббиёт фанлари доктори, профессор Парфёнов Валерий Евгеньевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Агзамов Мансур Камалович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент, Махтумқули кўчаси, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№41 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент ш., Махтумқули кўчаси, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабр куни тарқатилди.

(2021 йил “ _____ ” _____ даги _____ рақамли тарқатиш реестри баённомаси).



Ирисметов М.Э.

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Рустамова У.М.

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Алимов А.П.

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгирлиги. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, цереброваскуляр патология туфайли касалликнинг юзага келиши ва ўлим кўрсаткичлари ҳали ҳам юқори даражадалигича қолмоқда, гипертоник мия ичи қон қуйилишлари (ГМИҚҚ) ҳолатлари ҳар 100 000 аҳолига йилига 20-25% ва артериовеноз мальформациялар (АВМ) 0,94-1,2% ни ташкил қилади¹. Ўзбекистон Республикасида инсулт билан касалланиш йилига 60 000 ҳолатни ташкил қилиб, шундан 12 000-15 000 ҳолат ГМИҚҚ улушига тўғри келади². Ушбу касалликнинг юқори аҳамияти нафақат энг меҳнатга лаёқатли ёшда тарқалиши билан, балки ўлим ва ногиронликнинг юқори частотаси ҳисобига сезиларли даражада иқтисодий зарари билан ҳам белгиланади. Диагностик ва микрожарроҳлик технологияларининг ривожланиши ГМИҚҚ ва АВМ жарроҳлигининг замонавий тамойилларини ишлаб чиқишга имкон берди, уларнинг асосий афзаллиги радикализмни ошириш ва тирик қолиш кўрсаткичларини яхшилашдан иборат. ГМИҚҚ ва АВМ жарроҳлиги соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, операция олдидан режалаштириш ва жарроҳлик аралашуви тактикасини танлашда 3D-моделлашни қўллаш самарадорлигини ўрганиш ва услубий жиҳатдан бир қатор ҳал қилинмаган масалалар мавжуд.

Жаҳонда патологик жараённинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмоқда, ГМИҚҚ ва АВМни турли микронейрохирургик ва эндоваскуляр усуллари такомиллаштирилмоқда, ГМИҚҚ билан оғриган беморларнинг 30 кунлик ҳаёт даражасини таҳлил қилиш асосида ГМИҚҚ ҳамда асоратланган ва асоратланмаган бош мия АВМ шакллари жарроҳлик аралашувининг минимал инвазив усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, ГМИҚҚ ва АВМ ҳолатларида жарроҳлик аралашувлари таъсирчанлигининг барча кўринишлари стандартлашмаган бўлсада, муайян жарроҳлик усулини танлаш учун ягона ёндашув усули ишлаб чиқилмаган. ГМИҚҚ ва АВМ касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашда мультимодал усулларни қўллаш салоҳияти ва самарадорлиги тўғрисидаги турли маълумотлар нейрожарроҳларда нотўғри таассуротлар шакллантирмоқда, бу эса нафақат даволаш тактикасида дифференциацияланган, табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишни мураккаблаштиради, балки операциядан олдин режалаштиришдаги хатоларга ва операциядан кейинги даволаш усуллари самарадорлигини қийин қилишга олиб келмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, турли нейрожарроҳлик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон

¹ Global, regional, and national life expectancy, all-cause mortality, and cause-specific mortality for 249 causes of death, 1980–2015: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2015 // Lancet. 2016 Oct 8; 388 (10053): 1459–1544

² Маджидова Ё. Н., Юсупалиев Б. К., Шарипов Ф. Р., Азимова Н. М., Мухаммадсолих Ш. Б. Эффективность цитофлавина у пациентов с высоким риском развития цереброваскулярных заболеваний. //Клиническая медицина. 2020; 98(6):456-460.

Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичларга кўтариш вазифалари: «...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, диагностикани тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ва даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш...»³ кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, тирик донордан буйрак кўчириб ўтказиш натижаларини прогностлаштириш ва такомиллаштиришни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқотига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот иши «Тиббиёт ва фармакология» VI. фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Мия ичи нотравматик қон қуйилишлари ва артериовеноз мальформацияларни 3D-моделлашни қўллаган ҳолда жарроҳлик даволаш усуллари такомиллаштириш ва геномини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор илмий марказлари ва олий ўқув юртлири, жумладан: Lund University (Швеция); University of Cambridge, University of Oxford (Буюк Британия); University of Western Australia (Австралия); University of Hadassah – Hebrew (Исроил); University of Emory; University of Chicago, University of Alabama at Birmingham (АҚШ); Barrow Neurological Institute (АҚШ); University of Helsinki (Финляндия); University of Nagoya ва University of Asahikawa (Япония); Академик Н.Н.Бурденко номидаги Нейрохирургия тиббий-илмий маркази, Жанелидзе И.И. номидаги Тез ёрдам илмий-тадқиқот институти ва Склифосовский Н.В. номидаги Тез ёрдам илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.rug.nl; www.uab.edu; www.uwa.edu.au; www.hadassah.org.il; www.aou-careggi.toscana.it; www.emory.edu; www.uantwerpen.be; www.uniri.hr; www.uchicago.edu; www.uniupo.it; www.lunduniversity.lu.se; www.helsinki.fi; www.barrowneuro.org; www.en.nagoya-u.ac.jp; www.asahikawa-med.ac.jp; www.nsi.ru; www.emergency.spb.ru www.sklif.mos.ru; www.emerge-centre.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

ГМИҚҚ ва АВМ жарроҳлик даволаш усуларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида бир қатор натижалар олинган, шу жумладан касалликнинг клиник кечишида даволаш усулини танлаш ва натижаларнинг прогнозлаштиришга таъсири (Lund University, Швеция); бош мия церебрал томирларида жарроҳлик аралашувларни режалаштиришда 3D-моделлаштиришнинг роли ўрганилди (Helsinki University, Финляндия); АВМда жарроҳлик йўли билан даволашда комбинацияланган усулдан фойдаланишнинг самарадорлиги исботланган (Asahikawa University, Япония); ГМИҚҚ жарроҳлигида транссулкульяр ва трансинсуляр киришларнинг роли ўрганилди, шунингдек АВМ жарроҳлик аралашуви усулини танлашда танланган ёндашув ҳам ишлаб чиқилган (Barrow Neurological Institute, АҚШ); ГМИҚҚ сабабли операция қилинган беморларда гипертония касаллигини даволашнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилди (Chicago University, АҚШ); геморагик инсульт билан касалланган беморларнинг 30 кунлик тирик қолиш - ҳаёт даражаси ўрганилди (University of Cambridge, University of Oxford Буюк Британия); ГМИҚҚ ривожланиши ва АВМ ёрилишига олиб келадиган омиллар ҳар томонлама ёритилган, шунингдек, ГМИҚҚ ва АВМ билан касалланган беморларни бошқариш ва даволаш усуларини танлаш масалалари таҳлил қилинди (Академик Н.Н.Бурденко номидаги Нейрохирургия тиббий-илмий маркази, Жанелидзе И.И. номидаги Тез ёрдам илмий-тадқиқот институти ва Склифосовский Н.В. номидаги Тез ёрдам илмий-тадқиқот институти, Россия Федерацияси); АВМ ва артериал аневризмларнинг (АА) геноми ўрганилди (Nagoya University, Япония); Операциядан олдинги 3D-моделлашга асосланган ГМИҚҚ ва АВМни жарроҳлик йўли билан даволаш усули оптималлаштирилди ва такомиллаштирилди ва нотравматик мия ичи қон қуйилишлари геноми ва АВМ ўрганилди (Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Ўзбекистон).

ГМИҚҚ ва АВМ жарроҳлик аралашуви натижаларини прогнозлаштириш ва такомиллаштириш йўллари илмий асослаш учун жаҳонда қуйидаги устувор йўналишлар: ГМИҚҚ ва АВМда ташҳис қўйиш ва даволаш усулини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш; интраоперацион ҳамда операциядан кейинги асоратларни камайтириш мақсадида операциядан олдинги режалаштиришни такомиллаштириш; эрта ташҳис қўйиш, қон томир фалокатлари, ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида АВМ ва АА геномини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГМИҚҚ ва бош мия АВМ муаммоси, айниқса хорижий тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилмоқда. Хавф омиллари кенг ўрганилди, ГМИҚҚнинг ривожланиш механизмлари аниқланди (Kumar A. et al., 2021). Nakimi R. (2016) ва Rindler R. (2020) фикрига кўра ГМИҚҚ ва АВМда 3D-моделлаш соҳасидаги тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки жарроҳлик аралашувида радикализмни сақлаган ҳолда, мия моддасининг интакт қисмига таъсирини камайтириш имконияти пайдо бўлади. Европа тадқиқотчилари (Финляндия) АВМ III градацияси – бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда жарроҳлик аралашувининг

комбинацияланган усули ногиронлик ва ўлим ҳолатига олиб келувчи интраоперацион ва операциядан кейинги асоратлар ривожланишини камайтириш эҳтимоли билан катта даражада радикализмга эришиш имкони беради, деган хулосага келдилар (Karlsson B., et al., 2020, Morgan M.K., 2017). Эрта ташхис қўйиш ва қон томир фалокатларининг олдини олиш имконини берувчи АВМ ва АА геноми ўрганилди (Inoue et al., 2006, Yamada et al., 2004) Шуни таъкидлаш керакки, АВМ ва АА патогенетик жараённинг ривожланишига олиб келадиган бир қатор генетик мутациялар билан боғлиқ (Rangel-Castilla et al., 2014, Hashimoto T et al., 2004). Шунингдек, геморрагик инсульт билан касалланган беморларда беморни танлаш ва жарроҳлик аралашуви усулига дифференциал ёндошиш мақсадида 30 кунлик тирик қолишни прогнозлаштиришга оид жуда кўп тадқиқотлар ўтказилди мавжуд (Mendelow D., et al., 2013 ва Геморрагик инсульт бўйича клиник тавсиялар Россия Федерацияси 2020).

Ўзбекистонда ГМИҚҚ диагностикаси ва жарроҳлик усулида даволаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилди. Геморрагик инсультларни нейрохирургик усулда даволашнинг самарадорлиги ўрганилди (Якубов М.М., 2005). Ўткир интравентрикуляр инсульт-гематомани нейроэндоскопик усулда олиб ташлаш амалиётга жорий этилди (Махкамов К.Э., Кузибаев Ж.М., 2007). Кичик инсульт-гематомаларни жарроҳлик йўли билан даволаш масалалари кўриб чиқилди (Махкамов К.Э., Кузибаев Ж.М., 2008). Кичик геморрагик инсульт-гематомаларни даволашда нейрожарроҳлик усулида ёндашиш оптималлаштирилди (Кузибаев Ж.М., 2012). Фертиль ёшдаги аёлларда инсульт юз берганда мия ичи қон томирларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (Рустамов Б.К., 2010). Цереброваскуляр касалликларнинг ривожланишида NOS генининг 4а/4Б полиморфизмининг роли ўрганилди (Махкамова Н.У., 2019). Бироқ, ГМИҚҚ ва АВМ даволашда жарроҳлик аралашуви мультимодал ёндашувнинг турли усуллари қиёсий баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Беморларни танлаш усулини оптималлаштириш ва жарроҳлик аралашувлари натижаларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек беморларнинг операциядан кейинги 30-кун ичида тирик қолиш кўрсаткичларини яхшилаш бугунги кунда замонавий нейрожарроҳликнинг долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим нуқталари ҳисобланади.

30-80 см³ ҳажмда қон қуйилиши ШКГ >7 баллик бўлган беморларни рандомирлаш текшириш жарроҳлик операциясидан кейин яхши функционал натижаларни кўрсатди (Qureshi A et al., 2016). Бироқ, «STICH» тадқиқотида жарроҳлик ва консерватив даволаш усуллари ўртасидаги қониқарли натижаларда сезиларли фарқ аниқланмаган. Бу жарроҳлик аралашуви пайтида мия моддаси интакт қисмининг зарарланишига сабаб бўлади (Mendelow D., et al., 2013). Ҳозирги кунда АВМ жарроҳлик усулида даволаш учун кўрсатмалар жуда аниқ шакллантирилган (Morgan M., et al., 2017, Chen Ch., et al., 2020). Шу билан бирга, мия ичи қон қуйилиши билан намоён бўлган ёрилган АВМларни даволаш ёндашуви муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. У жарроҳлик усулида даволаш хавфига асосланган (Derdeyn

C., et al., 2017). Адабиётларни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, 3D-моделлашни қўллаш орқали трансулкуляр ва трансинсуляр ёндашувлар орқали ГМИҚҚни микрожарроҳлик йўли билан олиб ташлаш, ГМИҚҚ билан касалланган беморларнинг 30 кунлик яшовчанлигига таъсир кўрсатувчи жарроҳлик аралашуви усулини танлаш учун индивидуал ёндашиш жуда кам ўрганилган. Шу кунга қадар интраоперацион ҳамда операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш мақсадида ёрилган АВМда жарроҳлик аралашуви усули бўйича ягона фикр-мулоҳаза мавжуд эмас. АВМ ва АА билан касалланган беморлар геномини етарли даражада ўрганмаслик замонавий нейрожарроҳликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар нафақат диагностика самарадорлигини яхшилаш, балки амалий нейрожарроҳлик учун ҳам қайтадан ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг ПЗ-20170918102 «3D-моделлаштириш технологиясини қўллаш орқали бош ичидаги қон қуйилишларда жарроҳлик аралашувлари усулини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади гипертоник мия ичи қон қуйилишлари геноми ва артериовеноз мальформацияларда 3D-моделлаштиришни қўллаш орқали жарроҳлик даволаш усулини оптималлаштириш ва геномини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қон қуйилишининг ўткир даврида гипертоник мия ичи қон қуйилишлари ва артериовеноз мальформацияларнинг клиник ва невровизуализацион хусусиятларини баҳолаш;

гипертоник мия ичи қон қуйилишлари ва артериовеноз мальформацияда жарроҳлик аралашуви усулини режалаштириш ва танлашда 3D-моделлашнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

бирламчи ва иккиламчи асоратларни ҳисобга олган ҳолда (қон қуйилиш ҳажми, жойлашиш ўрни, субарахноидал бўшлиқдаги ёрилишнинг (САП) қоринча тизимига кириши, қон қуйилиши дислокацияси, бошланиш вақтининг мавжудлиги, Глазго кома шкаласи бўйича ҳолатнинг жиддийлиги (ШКГ), NIHSS ва mRs бўйича неврологик танқисликнинг ифодаланиши) гипертоник мия ичи қон қуйилишларида жарроҳлик аралашувининг усули ва кўламини аниқлаш;

Spetzler-Martin & Lawton-Young шкаласи бўйича градация – бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ҳисобга олган ҳолда бош миянинг ёрилмаган артериовеноз мальформацияларида жарроҳлик даволаш усули ва кўламини аниқлаш;

бирламчи ва иккиламчи асоратларни ҳисобга олган ҳолда (қон қуйилиш ҳажми, жойлашиш ўрни, субарахноидал бўшлиқдаги ёрилишнинг қоринча тизимига кириши, қон қуйилиши дислокацияси, бошланиш вақтининг

мавжудлиги, Hunt-Hess шкаласи, Глазго кома шкаласи бўйича ҳолатнинг жиддийлиги, NIHSS ва mRs бўйича неврологик танқисликнинг ифодаланиши) бош миянинг ёрилган артериовеноз мальформацияларида жарроҳлик аралашувининг усули ва кўламини аниқлаш;

артериовеноз мальформацияларда қон қуйилишининг ўткир даврида 3D-моделлаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда (Spetzler-Martin & Lawton-Young шкаласи бўйича градация – бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ҳисобга олган ҳолда (қон қуйилишининг ўлчами, жойлашиш ўрни, дренажлаш тизими), субарахноидал бўшлиқдаги ёрилишнинг қоринча тизимига кириши, қон қуйилиши дислокацияси, бошланиш вақтининг мавжудлиги, Hunt-Hess, Глазго кома шкаласи бўйича ҳолатнинг жиддийлиги, NIHSS шкаласи бўйича неврологик танқисликнинг ифодаланиши) жарроҳлик аралашув босқичларини аниқлаш;

гипертоник мия ичи қон қуйилишлари мавжуд бўлган беморларда онг даражаси, гипертоник мия ичи қон қуйилишлари ҳажми, ёши, жарроҳлик аралашуви тури ва ўтказилиш вақтига қараб яшаб қолиш индексини ҳисобга олган ҳолда 30 кунлик ҳаёт даражасини аниқлаш;

гипертоник мия ичи қон қуйилишлари мавжуд бўлган беморларда қоринча тизимининг оптик катталаниши, микрожарроҳлик, эндоскопик ва узоқ муддатли дренажсиз жарроҳлик аралашувларини қиёсий баҳолаш;

гипертоник мия ичи қон қуйилиш генлари полиморфизми, бош мия томирларининг артериовеноз мальформацияси ва артериал аневризмларни ўрганиш;

гипертоник мия ичи қон қуйилиши, артериовеноз мальформация ва артериал аневризмалар билан касалланган беморларни даволаш усуллари алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда бош мия томирларининг ГМИҚҚ ва АВМ бўйича даволанган 15 ёшдан 87 ёшгача бўлган 245 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети ГМИҚҚ ва бош мия томирларининг АВМ билан касалланган беморларда ўтказилган клиник, нейровизуализацион ва бошқа нурли текшириш усуллариининг натижаларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий ишни амалга ошириш жараёнида неврологик текшириш, ШКГ, NIHSS, mRs, Hunt-Hess шкалалари ва Глазго (ШИГ) натижалари шкаласи бўйича баҳолаш, мультислайсли компьютер-томография текшируви (МСКТ), мультислайсли компьютер-томографияли ангиография (МСКТА), магнитрезонансли томография (МРТ), транскраниал доплерография (ТДКГ), молекуляр-генетик текшириш, Каплан-Майер ва 3D-моделлаш усули бўйича 30 кун давомида омон қолишни баҳолаш каби текширувнинг умумий клиник, махсус усуллариининг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора гипертоник мия ичи қон қуйилишлари мавжуд бўлган беморларнинг 30 кунлик омон қолиш даражаси баҳоланган ва уларни

операциядан кейин тирик қолиш кўрсаткичлари асосида танланган микрохирургик жаррохлик усули энг оптимал эканлиги исботланган;

илк бор ДНКнинг 17-хромосомасида ўзбек популяциясига хос янги генлар аниқланган ва ушбу генлар оила анамнезида артериовеноз мальформация ва артериал аневризмалари бўлган болаларни диагностик аҳамияти исботланган;

гипертоник мия ичи қон қуйилишларида беморларнинг эс-хуш даражаси, қон қуйилиш ҳажми, беморларнинг ёши ва жаррохлик аралашувининг бошланиш вақтига кўра амалга оширилган микрожаррохлик аралашувининг самарадорлиги исботланган;

мия ичи қон қуйилишининг 50 см³дан кам ва онг даражаси Глазго кома шкаласи бўйича 10 баллдан баланд бўлган ҳолларида кенгайтирилган фрезали тешик орқали бажариладиган дифференциаллаштирилган хирургик ёндашув асосланган ҳамда гипертоник мия ичи қон қуйилишлари 50 см³дан кўп ва онг даражаси Глазго кома шкаласи бўйича 10 баллдан паст бўлган ҳолларда декомпрессив гемикраниоэктомиянинг самарадорлиги исботланган;

артериовеноз мальформацияларнинг ангиоархитектоникуси ва Spetzler-Martin & Lawton-Young шкаласи градациялари асосида дифференциал хирургик ёндашув самарадорлиги исботланган, бунда I ва II градацияларида бир модалли усулнинг қўлланилиши ва III градация ва ундан юқори бўлган ҳолларда комбинацияланган услубнинг самарадорлиги исботланган;

гипертоник мия ичи қон қуйилишлари топик диагностикасида 3D-моделлаштириш илк бора қўлланилган ҳамда бош мия томирлари артериовеноз мальформацияларининг ангиоархитектоникуси хусусиятларини баҳолашда ва оптимал микрохирургик тактикани танлашда унинг роли исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МСКТ ва МСКТА тасвирларини 3D-моделлашни таҳлил қилиш асосида ГМИҚҚ ва АВМда мия моддасининг интакт-зарарланмаган қисмида травматизацияни камайтириш мақсадида оптимал бурчак остидаги хирургик ёндашув тактикасини аниқлаш учун жаррохлик аралашувининг виртуал операция олди режалаштириш тактикаси такомиллаштирилган;

интраоперацион ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш мақсадида турли кўринишдаги аралашувларни қўллаган ҳолда АВМ билан оғриган беморларни танлаш усули оптималлаштирилган;

гипертоник мия ичи қон қуйилишлари ва артериовеноз мальформацияси мавжуд бўлган беморларни олиб бориш тактикаси ва уларга жаррохлик амалиётини танлаш алгоритми аниқланган;

анамнезида субарахноидал қон қуйилиш кўринишлари мавжуд бўлган беморлар ва уларнинг яқин қариндошларида генетик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда АВМ ва ААнинг скрининг тактикаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалиётда қўлланиладиган, кенг фойдаланиладиган замонавий, клиник, радиологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган. Барча олинган натижа ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига

асосланади. Статистик ишлов олинган натижалар ишончилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, олинган хулоса ва таклифлар назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар АВМ ва ААга мойиллик билан боғланган геном полиморфизмини баҳолаш асосида ДНКнинг 17-хромосомасида биринчи марта ўзбек популяциясига хос янги генларнинг аниқланиши, АВМ ангиоархитектоникаси ва ГМИҚҚ клиник кечиб жараёнининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш, ГМИҚҚ ва АВМни ташхислаш ва даволашда такомиллаштирилган усуллар ва уларга дифференциал ёндашувни таъминлаши, топик диагностикани такомиллаштириш ва микрожарроҳлик аралашувининг оптимал усулини танлаш мақсадида 3D-моделлаштиришнинг роли исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, операциядан олдинги даврда виртуал режалаштириш ва жарроҳлик аралашуви усулини танлаш тактикасининг такомиллаштирилиши ва унинг нафақат бош мия функционал муҳим зоналарини сақлаб қолиш билан радикал нейрожарроҳлик аралашувини амалга оширишни таъминлаши, интраоператив ва операциядан кейинги асоратлар ҳамда салбий оқибатларни камайтириш имконини бериши, генетик текширувлардан олинган натижалар АВМ ва ААда генетик мойилликни аниқлаш учун скрининг усули сифатида фойдаланиш имконини яратиши, таклиф этилган усуллар хавфсиз, юқори самарали ва уларни нейрожарроҳликда кенг қўллаш учун тавсия этиш имконияти, уларни клиник амалиётга жорий этиш нейрожарроҳлик аралашувининг самарадорлигини ва беморларнинг 30 кунлик омон қолиш имкониятини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Бош мия ГМИҚҚ ва АВМ билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ГМИҚҚ мавжуд бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш бўйича ишлаб чиқилган «Гипертоник мия ичи қон қуйилишларини ташхислаш ва даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 22.11.2021 йилдаги 8н-з/445-сон хулосаси). Олинган натижалар қайта қон қуйилиши миқдорининг ва операциядан кейинги летал холатини камайиши имконини оширган;

ГМИҚҚ жарроҳлик амалиётларидан кейинги даврда кузатишлар асосида ишлаб чиқилган «Гипертоник мия ичи қон қуйилишлари билан касалланган беморларни 30 кунлик яшовчанлик имкониятини комплекс баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 22.11.2021 йилдаги 8н-з/445-сон хулосаси). Олинган натижалар қон қуйилишлари миқдори ва хушнинг бузилиш даражасига кўра дифференциал ёндашув, яъни декомпрессив гемикраниоэктомия ёки кенгайтирилган фреза тешиги орқали гематомани олиш усулларини танлаш 30 кунлик омон қолиш имкониятини оширган;

ГМИҚҚ билан касалланган беморларни диагностика қилиш ва даволашнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд ва Наманган филиалларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 7.12.2021 йилдаги 08-09/19345-сон хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронлик даражасини 17%, ўлим ҳолатларини 26% ва клиникада қолиш кунлари сонини 0,3%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 1та халқаро ва 3та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 13та мақола, жумладан 9таси республика ва 4таси хорижий журналларда ҳамда 2та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 6та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети таърифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилик эканлиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ёритиб берилган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гипертоник мия ичи қон қўйилишлари ва артериовеноз мальформацияни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, гипертоник мия ичи қон қўйилишлари ва артериовеноз мальформациянинг этиологияси, патогенези, эпидемиологияси, жарроҳлик усуллари, жарроҳликни режалаштириш ва генетик аспектларда 3D-технологиясини қўллаш бўйича сўнги адабиётлар батафсил баён этилган. Ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари келтирилган. ГМИҚҚ ва АВМ жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усуллари таҳлил қилиш амалга оширилган.

Диссертациянинг **«Материалларнинг хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** деб номланувчи иккинчи бобида

теширилган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари тавсифланган. 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда бош мия томирларининг гипертоник мия ичи қон қуйилишлари ва артериовеноз мальформацияси бўйича даволанган, 15 ёшдан 87 ёшгача бўлган 245 нафар бемор текширилди. Текширилган беморларга таъриф берилди, хусусан беморлар икки гуруҳга ажратилди: гипертоник мия ичи қон қуйилишлари билан касалланган беморлар (78,0% (n=191) улардан 9,9% (n=19) беморларда қон қуйилиши сабабчиси аневризмалар ва бош мия томирлари артериовеноз мальформациясига эга (22,0% (n=54)) беморлар. Бундан ташқари, ГМИҚҚнинг анатомик локализацияси, АВМ ва АА ангиоархитектоникаси, хусусан, уларнинг ўлчами, шакли, миқдори ва жойлашиши батафсил таърифланган. Шунингдек, фойдаланилган клиник, инструментал ва генетик тадқиқот усуллари, жарроҳлик даволаш усуллари ва уларнинг бажарилиш техникаси ҳам батафсил таърифланган.

Диссертациянинг «Гипертоник мия ичи қон қуйилишлари билан касалланган беморларни текшириш ва жарроҳлик аралашуви натижалари» деб номланувчи учинчи боби ГМИҚҚ билан касалланган беморларни батафсил таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, бу бобда 89,6% (n=171) ҳолатларда ГМИҚҚнинг супратенториал локализацияси аниқланган бўлиб, 7,3% (n=14) ҳолатларда – субтенториал ва 3,1% (n=6) ҳолатларда – изоляцияланган қоринча ичи ва субарахноидал қон қуйилишлари кузатилганлиги қайд этилган. Супратенториал ГМИҚҚларнинг анатомик локализациясини таҳлил қилиш давомида медиобазал локализация билан аралаш шаклларнинг бошқа локализациялар билан таққослаганда (77.5% (n=148)) устунлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Гипертоник мия ичи қон қуйилишларининг локализация ва асоратлар бўйича таърифи

Локализация	Жами беморлар		Ўнг томон	Чап томон	ВЖК	САК	Ликвор. йўл.оккл юз.	Ўрта бўғин. дислок.
	n	%						
Супратенториал локализация								
Аралаш (медиобазал) локализация	148	77,5	78	70	78	13	24	131
Лобар локализация	11	5,7	6	5	1	2	4	7
Медиал локализация	9	4,7	3	6	2	1	0	6
Латерал локализация	3	1,5	1	2	1	1	1	2
Субтенториал локализация								
Кичик мия гемисфераси	13	6,8	8	5	8	1	8	0
Найчали тузилмалар	1	0,5	0	1	1	0	1	0
Ликвор – орқа мия бўшлиғига қон қуйилиши								

Интравентрикуляр қон қуйилиши	4	2,1			4	0	4	1
САҚҚ	2	1,0			1	2	2	0
ЖАМИ	191	100	96	89	96	20	44	147

ГМИҚҚ хажмига қараб, беморлар шартли равишда қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинган ва ШКГ бўйича онг даражасининг кўрсаткичлари, NIHSS ва mRs бўйича неврологик танқислик, Fisher шкаласи бўйича мия вазоспазм предикторларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган (2-жадвал).

2-Жадвал

Гипертоник мия ичи қон қуйилишларининг хажми бўйича умумий хусусиятлари

ГМИҚҚ хажми	Жами		ГМИҚҚ		ШКГ	Fischer	NIHSS	mRs
	n	%	Ўпши	ўртача хажми	операция гача			
40 см ³	88	46,1	57,3 ±11,9	26,8 ±11,4	10,8 ±2,9	3,6 ±0,5	8,9 ±3,0	3,0 ±0,6
41-80 см ³	83	43,4	54,4 ±10,9	61,4 ±11,2	9,8 ±2,9	3,7 ±0,6	13,0 ±2,0	3,9 ±0,8
81 ва ундан кўп см ³	20	10,5	55,7 ±14,4	103,3 ±15,0	9,6 ±3,1	4,0 ±1,0	15,8 ±3,0	4,9 ±0,2
Жами	191	100						

Гипертоник мия ичи қон қуйилишларининг хажми 40 см³ гача, 41 дан 80 см³ гача ва 81 см³ ва ундан ортиқ бўлган жарроҳлик аралашувларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида биз томонимиздан операциядан олдинги ва кейинги даврда онг даражаси, неврологик танқисликнинг ифодаланиш даражаси, церебрал артериялар гемодинамикаси кўрсаткичлари, мия ичи қон қуйилишларининг қайталаниш сони, клиникада ўтказиладиган кунлар ва ўлим ҳолатлари сони каби муҳим кўрсаткичларни комплекс баҳолаш амалга оширилди.

Гипертоник мия ичи қон қуйилишларининг хажми 40 см³ гача бўлган 88 (46,1%) беморларда қуйидаги операциялар бажарилди: катталаштириш оптикасини ишлатмаган ҳолда (КОИ) ГМИҚҚ олиб ташланди, ГМИҚҚ эндоскопик усулда олиб ташланди, микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланди ва Арентдт усули бўйича узоқ муддатга дренажланди (3-жадвал).


Шундай қилиб, ГМИҚҚ хажми 40 см³ гача бўлган беморларнинг кичик гуруҳида жарроҳлик аралашувидан кейин микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморлар гуруҳида ШКГ бўйича онг даражаси кўрсаткичлари статистик жиҳатдан яхшиланганлиги (11,5±3,0 дан 14,2±1,2 гача бўлган баллар $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,24$; $p < 0,01$), шунингдек ГМИҚҚ эндоскопик усулда олиб ташланган беморлар гуруҳида (11,7±2,1 дан 13,9±2,1 гача бўлган баллар $W_{\text{Вилкоксона}} = 2,2$; $p < 0,05$) эканлиги аниқланди. Ўчоқли неврологик танқисликнинг энг катта таназзули – камайиши (NIHSS шкаласи бўйича 10,2±2,5 баллдан 4,7±2,4 баллгача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 2,17$; $p < 0,05$). Ногиронлик даражасини камайтиришга ёрдам берадиган жарроҳлик

аралашувининг энг самарали усули микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚни олиб ташлаш усули ҳисобланади (mRs шкаласи бўйича $3,2 \pm 0,6$ баллдан $1,7 \pm 0,9$ баллгача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,8$; $p < 0,01$). Ушбу кўрсаткичларнинг энг катта камайиши микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморларда аниқланган (қоннинг линияли тезлиги (ҚЛТ) $141,5 \pm 8,8$ дан $117,0 \pm 8,6$ см/с гача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,95$; $p < 0,05$), (Линдегаард индексининг $3,6 \pm 0,2$ дан $2,7 \pm 0,1$ гача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,65$; $p < 0,01$). Энг кам рецидивлар сони (4,3% (n=1)), клиникада ўтказилган ўтказилган энг кам кунлар сони ($15,3 \pm 7,6$) ва ўлим ҳолатининг энг кичик кўрсаткичи (17,4% (n=4)) микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморлар гуруҳига тўғри келади (1-расм ва 3-жадвал).


3-Жадвал

Ўтказилган операция турлари ва ГМИҚҚ ҳажми 40 см^3 гача бўлган беморлардаги натижаси


Кўрсаткичлар	ГМИҚҚни оптик катталаштир-масдан олиб ташлаш	ГМИҚҚни эндоскопик олиб ташлаш	ГМИҚҚни микроскоп ост.каттал. олиб ташлаш	Арендт усули бўй. узок муддатга дренаж.
Беморларнинг ўртача ёши	$60,7 \pm 10,9$	$52,8 \pm 9,7$	$58,1 \pm 12,9$	$57,5 \pm 11,8$
ГМИҚҚ ўртача ҳажми	$27,6 \pm 10,2$	$31,8 \pm 8,5$	$33,2 \pm 8,2$	$19,0 \pm 11,3$
Fischer шкаласи	$3,4 \pm 0,9$	$3,8 \pm 0,4$	$3,5 \pm 0,5$	$3,6 \pm 0,5$
ГМИҚҚ рецидиви - қайталаниши	6 (22,2%) $\chi^2 = 15,7$ $p < 0,01$	3 (21,4%) $\chi^2 = 11,6$ $p < 0,01$	1 (4,3%) $\chi^2 = 14,5$ $p < 0,01$	4 (16,6%) $\chi^2 = 3,9$ $p < 0,05$
Глазго оқибатлари шкаласи	$5,6 \pm 2,5$	$5,5 \pm 0,8$	$5,8 \pm 1,1$	$4,5 \pm 3,3$
H Крускалла-Уолесса = 2,2 $p > 0,05$				
Клиникада ўтказилган кунлар	$25,0 \pm 21,4$ $U_{\text{Манна-Уитни}} = 65,5$ $p < 0,05^*$	$23,5 \pm 13,0$ $U_{\text{Манна-Уитни}} = 71,5$ $p < 0,05^*$	$15,3 \pm 7,6$	$30,2 \pm 32,9$ $U_{\text{Манна-Уитни}} = 73,0$ $p < 0,05^*$
Ўлим ҳолати	5 (18,5%) $\chi^2 = 47,5$ $p < 0,01$	3 (21,4%) $\chi^2 = 10,6$ $p < 0,05$	4 (17,4%) $\chi^2 = 53,9$ $p < 0,01$	12 (50%) $\chi^2 = 35,6$ $p < 0,05$
Жами (n=88)	27	14	23	24
* 4 мустақил намуналарни таққослаш – қолган 3 гуруҳ билан микроскоп остида катталаштирган ҳолда ГМИҚҚни олиб ташлаш				




Катталаштириш оптикасини ишлатмасдан ГМИҚҚ олиб ташлаш



Микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташлаш




Эндоскопик усулда ГМИҚҚ олиб ташлаш




Арендт усули бўйича дренажлаш

1-расм. Ҳажми 40 см³гача бўлган ГМИҚҚни олиб ташлаш натижалари


ГМИҚҚ ҳажми 41 дан 80 см³ гача бўлган беморлар орасида жарроҳлик аралашувлари ўтказилганидан кейин микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморлар гуруҳида ШКГ бўйича онг даражаси кўрсаткичлари статистик жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланганлиги қайд этилган ($9,7 \pm 1,7$ дан $12,7 \pm 2,9$ баллгача $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,0$; $p < 0,01$). микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморлар гуруҳи ва КОИ ГМИҚҚ олиб ташланган беморлар гуруҳида жарроҳлик усулида даволашнинг энг катта самарадорлиги кузатилди, бу ерда ўчоқли неврологик танқисликнинг статистик жиҳатдан сезиларли – камайиши содир бўлади (NIHSS шкаласи бўйича $12,0 \pm 2,2$ дан $8,7 \pm 4,2$ баллгача камайиш $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,11$; $p < 0,05$ ва NIHSS шкаласи бўйича $13,4 \pm 1,8$ дан $10,5 \pm 5,4$ баллгача камайиш $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,51$; $p < 0,01$ мувофик). Операциядан кейинги ногиронлик натижалари таркибида шу аниқландики, энг самарали усул микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚни олиб ташлаш усули ҳисобланади (кўрсаткичларнинг яхшиланиши mRS шкаласи бўйича $3,4 \pm 0,7$ дан $2,5 \pm 1,2$ баллгача $W_{\text{Вилкоксона}} = 2,77$; $p < 0,05$). Операциядан кейинги даврда микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташланган беморларнинг қуйидаги гуруҳларида ҚЛТ ва Линдегаард индексида церебрал вазоспазмнинг статистик жиҳатдан сезиларли регрессия мавжуд эканлиги аниқланди (ҚЛТнинг $178,9 \pm 23,7$ дан $147,8 \pm 34,7$ см/с гача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 2,99$; $p < 0,05$ ва Линдегаард индексининг $5,1 \pm 0,9$ дан $3,9 \pm 1,2$ гача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 3,13$; $p < 0,05$) ва ГМИҚҚни КОИ олиб ташланган беморлар гуруҳида (ҚЛТнинг $189,4 \pm 16,8$ дан $157,2 \pm 31,3$ см/с гача камайиши; $W_{\text{Вилкоксона}} = 5,68$; $p < 0,01$ ва Линдегаард индексининг $5,5 \pm 0,6$ дан $4,4 \pm 1,2$ гача камайиши $W_{\text{Вилкоксона}} = 5,45$; $p < 0,01$) (2-расм).



Катталаштириш оптикасини ишлатмасдан
ГМИҚҚ олиб ташлаш



Эндоскопик усулда ГМИҚҚ олиб ташлаш



Микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташлаш

2-расм. Ҳажми 41-80 см³ бўлган ГМИҚҚни олиб ташлаш натижалари

Шунингдек, энг кам рецидивлар сони (5,3% (n=1)) ва энг кам ўлим кўрсаткичлари (15,8% (n=3)) ГМИҚҚни микроскопик катталаштириш орқали олиб ташланган беморларда кузатилади. Клиникада қолиш кунлари бўйича ҳам энг яхши натижалар ГМИҚҚни микроскопик катталаштириш орқали ва эндоскопик усулда олиб ташланган беморларда – 17,6±12,6 и 15,4±10,5 аниқланган (4-жадвал).

4-Жадвал

Ўтказилган операция турлари ва ГМИҚҚ ҳажми 41-80 см³ гача бўлган беморлардаги натижаси

Кўрсаткичлар	ГМИҚҚни оптик катталаштирмасдан олиб ташлаш	ГМИҚҚни эндоскопик олиб ташлаш	ГМИҚҚни микроскоп ост.каттал. олиб ташлаш
Беморларнинг ўртача ёши	54,9±9,7	54,4±11,7	54,3±14,0
ГМИҚҚ ўртача ҳажми	64,0±10,9	55,0±10,0	63,1±8,3
Fischer шкаласи	3,2±0,6	3,5±0,5	3,0±0,3
ГМИҚҚ рецидиви - қайталаниши	8 (15,4%) $\chi^2=28,5$ $p<0,01$	2 (22,2%) $\chi^2=10,3$ $p<0,01$	1 (5,3%) $\chi^2=21,0$ $p<0,01$
Глазго оқибатлари шкаласи	3,5±1,7	2,9±1,9	4,4±1,5
$H_{\text{Крускала-Уолесса}} = 5,58 \quad p > 0,05$			

Клиникада ўтказилган кунлар	29,1±28,2 U _{Манна-Уитни} =338,5 p<0,05*	15,4±10,5 U _{Манна-Уитни} =67,0 p>0,05*	17,6±12,6
Ўлим ҳолати	15 (28,8%) $\chi^2=5,5$ p<0,05	4 (44,4%) $\chi^2=62,8$ p<0,01	3 (15,8%) $\chi^2=55,5$ p<0,01
Жами (n=83)	52	9	22



ГМИҚҚ ҳажми 81 см³ ва ундан ортиқ бўлган беморлар билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилганида ШКГ бўйича онг даражаси кўрсаткичлари статистик жиҳатдан ишончли даражада яхшиланмаганлиги аниқланди (9,2±2,5 дан 10,3±3,8 баллгача WВилкоксона = 1,13 p>0,05). Барча 3 гуруҳда статистик жиҳатдан неврологик танқисликнинг сезиларли даражада яхшилангани кузатилди. Ўтказилган жарроҳлик аралашувлари статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмаслигига қарамасдан, барча 3 гуруҳда ногиронлик даражасининг ошиши кузатилади. Амалга оширилган жарроҳлик аралашувларининг барча турлари қон томир спазмининг ифодаланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмади. ГМИҚҚ рецидивлари таҳлили шуни кўрсатадики, мия ичи қон қуйилишларининг энг кўп такрорланиш сони ГМИҚҚ КОИдан олиб ташланган беморлар гуруҳида – 42,8% (3 ҳолат 7 $\chi^2=0,06$ p>0,05), шунингдек ГМИҚҚ эндоскопик усулда олиб ташланган беморлар гуруҳида кузатилган – 33,3% (1 ҳолат 3 $\chi^2=0,38$ p>0,05). Шунингдек, энг кам рецидивлар сони (n=0) ва энг кам ўлим кўрсаткичлари (20% (n=2)) ГМИҚҚни микроскопик катталаштириш орқали олиб ташланган беморларда кузатилади. Клиникада қолган кунлар кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижалар ГМИҚҚни микроскопик катталаштириш орқали олиб ташланган беморларда аниқланган 20,1±11,6 (5-жадвал ва 3-расм).

5-Жадвал

Ўтказилган операция турлари ва ГМИҚҚ ҳажми 81 см³ ва ундан ортиқ бўлган беморлардаги натижаси


Кўрсаткичлар	ГМИҚҚни оптик катталаш-тирмасдан олиб ташлаш	ГМИҚҚни эндоскопик олиб ташлаш	ГМИҚҚни микроскоп ост.каттал. олиб ташлаш
Беморларнинг ўртача ёши	53,7±14,0	57,0±5,7	56,9±15,9
ГМИҚҚ ўртача ҳажми	108,6±18,8	97,5±3,5	100,6±11,3
Fischer шкаласи	4,0±0,0	4,0±0,0	4,0±0,0
ГМИҚҚ рецидиви - кайталаниши	3 (42,8%) $\chi^2=0,06$ p>0,05	1 (33,3%) $\chi^2=0,38$ p>0,05	0 (%) $\chi^2=4,44$ p<0,05
Глазго оқибатлари шкаласи	1,7±1,2	2,0±1,4	2,2±1,2

H _K рускалла-Уолесса= 0,72 p>0,05			
Клиникада ўтказилган кунлар	23,4±20,4 U _{Манна-Уитни} =30,5 p>0,05*	22,0±4,2 U _{Манна-Уитни} =8,0 p>0,05*	20,1±11,6
Ўлим ҳолати	5 (71,4%) $\chi^2 = 3,55$ p>0,05	1 (33,3%) $\chi^2 = 14,22$ p<0,01	2 (20%) $\chi^2 = 5,33$ p<0,05
Жами (n=20)	7	3	10
* - 3 мустақил намуналарни таққослаш – қолган 2 гуруҳ билан микроскоп остида катталаштирган ҳолда ГМИҚҚни олиб ташлаш			



Катталаштириш оптикасини ишлатмасдан ГМИҚҚ олиб ташлаш

Эндоскопик усулда ГМИҚҚ олиб ташлаш



Микроскопик катталаштириш орқали ГМИҚҚ олиб ташлаш

3-расм. Ҳажми 80 см³дан ва ундан кўп бўлган ГМИҚҚни олиб ташлаш натижалари

Диссертациянинг «Гипертоник мия ичи қон қуйилишларини даволашнинг жарроҳлик усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш» деб номланувчи тўртинчи бобда жарроҳлик аралашувининг самарадорлигини баҳолашнинг Каплана-Майер бўйича 30 кун давомида омон қолишнинг прогностлаштириш объектив усули ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган. 30 кунлик омон қолишнинг натижалари онг даражаси кўрсаткичлари, ГМИҚҚ ҳажми, беморларнинг ёши ва қон қуйилишининг биринчи белгилари пайдо бўлганидан кейин жарроҳлик аралашувининг ўтказилиш вақти асосида баҳоланган. Амалдаги кўпгина омилларни ҳисобга олган ҳолда, биз жарроҳлик аралашувларининг айрим турларини бир гуруҳга бирлаштиришга қарор қилдик. Шундай қилиб, барча операциялар икки кичик гуруҳга бўлинган: I кичик гуруҳ – кенгайтирилган фреза тешиги (КФТ) орқали ГМИҚҚни олиб ташлаш амалга оширилган беморлар; II кичик гуруҳ – ГМИҚҚни олиб ташлангандан кейин декомпрессив краниотомия (ДК) билан

амалга оширилган беморлар. 191 нафар бемордан 35,1% (n=67) ҳолатда ГМИҚҚни олиб ташлаш ДК тўлдириш билан амалга оширилган ва 64,9% (n=124) ҳолатларда – ГМИҚҚни КФТ орқали олиб ташлаш амалга оширилган (6-жадвал).

6-Жадвал


Жарроҳлик аралашуви усулига боғлиқ ҳолда яшовчанликни аниқлаш учун беморларнинг хусусиятлари (ДК ёки РФО)

Операция турлари	Жами		Касалхонада оқибати ўлим билан тугаган ҳолатлар сони	Тузалиб чиққан беморлар сони	Цензурадаги беморлар сони	30 кун давомида яшаб кетган беморлар сони
	n	%				
ДК	67	35,1	22	45	8	37
КФТ	124	64,9	41	83	23	60
Жами	191	100	67	124	28	96

Шундай қилиб, 13 (6,8%) нафар беморда онг даражаси ўткирлиги кузатилди, улардан 2 тасида ДК ва 11 тасида – КФТ амалга оширилган. КФТ орқали амалга оширилган операцияларда омон қолиш ҳолати 70% ни ташкил этади, ДКда эса – 0%, чунки бор-йўғи 2 бемор операция қилинган эди, улардан 1 нафари вафот этди, иккинчиси эса цензурадаги бемор сифатида кузатув жараёнидан чиқиб кетди. Онг даражаси билан – жами 53 нафар (27,7%) бемор операция қилинди, улардан 13 нафарида ДК бажарилди, 40 нафар беморда эса КФТ орқали амалга оширилди. ДК бажарилганда омон қолиш 77% ни, КФТ орқали амалга оширилган операцияларда – 84% ни ташкил қилади. Сопор тури бўйича онг бузилиши билан 54 нафар (28,3%) бемор операция қилинди, улардан 17 нафари билан ГМИҚҚни олиб ташлаш ДК билан амалга оширилди, 37 нафарида эса – ГМИҚҚни олиб ташлаш КФТ орқали амалга оширилган. ДК амалга оширилганда омон қолиш 82% ни, КФТ орқали амалга оширилганда – 62% ни ташкил қилади. Кома ҳолатида жами 71 нафар (37,2%) бемор операция қилинди, бунда ГМИҚҚни олиб ташлаш билан ДК 35 нафар беморда бажарилди, ГМИҚҚни КФТ орқали олиб ташлаш 36 нафар беморда амалга оширилди. ДК амалга оширилганда омон қолиш 50% ни, КФТ орқали амалга оширилганда – 40% ни ташкил қилади (4-расм).

Шундай қилиб, онг даражасининг сопор ва комагача торайиши бош мия компенсатор имкониятлари бузилиши ва бош мия сиқилиши ва шишиши натижаси ҳисобланади, ГМИҚҚ ҳажми қанчалик катта бўлса, мия моддасининг декомпенсацияси шунчалик яққол ифодаланади. ДК ни сопор ва кома ҳолатида қўллаш декомпрессияланган бош мияда қон айланиши ва ликвороциркуляцияни яхшилашни таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, сопор ва онг даражаси паст бўлганда ГМИҚҚни олиб ташлаш КФТ орқали амалга оширилган беморларга қараганда юқори омон қолиш даражасига эришишларида ёрдам беради. Шу билан бирга кома ҳолатида операция қилинган беморларнинг умумий омон қолиш даражаси онг даражаси сақланиб


қолган ҳолда операция қилинган беморларга нисбатан пастдир $\chi^2 = 0,36$ $p > 0,05$ (4-расм).




4-расм. Онг даражасига боғлиқ ҳолда ДҚ ёки КФТ орқали бажарилган беморларда 30 кунлик омон қолиш кўрсаткичлари.

* Изоҳ: таҳлил онг даражасининг I босқичли комаси мавжуд бўлган беморларда ўтказилди, онг даражасининг II ва III босқичли комаси мавжуд бўлган беморлар ҳисобга олинмади.

Ёш омилининг беморларнинг ўтказиладиган жарроҳлик аралашув турига қараб омон қолишига таъсирини аниқлаш мақсадида биз томонимиздан операция қилинган барча беморларни иккита кичик гуруҳга ажратдик: I кичик гуруҳ – 55 ёшгача бўлган беморлар II кичик гуруҳ – 55 ёшдан катта беморлар. Каплан-Майер усули бўйича ўтказилган омон қолиш таҳлили шуни кўрсатдики, ГМИҚҚни олиб ташлаш ва ДҚ тўлдириш ёрдамида амалга оширилган 55 ёшгача бўлган беморларда омон қолиш даражаси 64% ни ташкил этади, ГМИҚҚни олиб ташлаш КФТ орқали амалга оширилган беморларда эса – 66% ни ташкил қилади, бу эса қўлланилган операциялар ҳажми ўртасида яшаб қолишда сезиларли фарқ йўқлигини кўрсатади. 55 ёшдан катта беморларнинг яшаш натижалари 55 ёшгача бўлган беморларнинг яшаш натижаларига ўхшайди. Шундай қилиб, ДҚ да омон қолиш даражаси 61%, КФТ орқали амалга оширилганда эса – 63% ни ташкил қилади. Шундай қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, ёш омили жарроҳлик аралашувларининг натижаларига таъсир қилмайди $\chi^2 = 0,14$ $p > 0,05$ (5-расм).



55 ёшгача




55 ёшдан катта

— ДК
— КФТ


5-расм. Беморнинг ёшига боғлиқ ҳолда ДК ёки КФТ орқали бажарилган беморларда 30 кунлик омон қолиш кўрсаткичлари.

ГМИҚҚ ҳажмига қараб жарроҳлик операцияларининг самарадорлигини ўрганиш беморларнинг учта кичик гуруҳларида амалга оширилди. I кичик гуруҳ ГМИҚҚ ҳажми 40 см³ гача бўлган 76 нафар (39,8%) бемордан 18 нафар бемор билан ГМИҚҚни олиб ташлаш ДК ёрдамида амалга оширилган, бу ерда яшаб қолиш 63% ни ташкил қилади ва 58 нафар бемор билан ГМИҚҚни олиб ташлаш КФТ орқали амалга оширилди, бу ерда яшаб қолиш 68% ни ташкил қилади, яъни кичик ҳажмдаги ГМИҚҚга нисбатан ГМИҚҚни КФТ орқали амалга ошириш усули самаралироқ ҳисобланади. II кичик гуруҳ ГМИҚҚ ҳажми 41 дан 80 см³ гача бўлган беморлар – 97 нафар (50,8%) бемордан 40 нафарида ГМИҚҚни олиб ташлаш ДК ёрдамида бажарилган, бу ерда яшаб қолиш 65% ни ташкил қилади, ГМИҚҚни КФТ орқали олиб ташлаш 57 нафар бемор билан амалга оширилди, бунда яшаб қолиш 61% ни ташкил этади. Ушбу гуруҳда ГМИҚҚ катта ҳажмда бўлганлиги сабабли мия моддасининг катта декопрессияси яратилиши ҳисобига ДК энг яхши натижаларни таъминлайди, бу услуб нафақат мияда қон айланиши ва микроциркуляцияни, балки мия моддаси ҳужайралари тириклигини таъминлашда катта роль ўйнайдиган ликвороциркуляцияни ҳам яхшилашга имкон беради, бу эса ўз навбатида ГМИҚҚни КФТ орқали олиб ташлаш бажарилган беморларга қараганда омон қолишнинг юқори кўрсаткичларига эришишга олиб келади. III кичик гуруҳ ГМИҚҚ 81 см³ ва ундан ортиқ ҳажмга эга беморлар – энг оғир контингент бўлиб, 18 нафар (9,4%) бемордан иборат. ГМИҚҚни ДК ёрдамида олиб ташлаш 9 нафар беморда, шунингдек ГМИҚҚни КФТ орқали олиб ташлаш ҳам 9 нафар беморда бажарилган. ДК ҳолатида омон қолиш 53% ни, КФТ да эса – 55% ни ташкил этади (6-расм).


